

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДОВА НАФИСА АҲМАД ҚИЗИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИ
(1991-2021 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ахмадова Нафиса Аҳмад қизи

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига
интеграциялашув жараёни (1991-2021 йй.)..... 5

Ахмадова Нафиса Аҳмад кизи

Процесс интеграции Узбекистана в мировое сообщество в годы
независимости (1991-2021 гг.)..... 27

Ahmadova Nafisa Ahmad qizi

Process of integration of Uzbekistan in the world of independence in the years
of independence (1991-2021)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДОВА НАФИСА АҲМАД ҚИЗИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИ
(1991-2021 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.3.PhD/Таг721 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qardu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фармонов Раҳмон
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобулов Эшболта Атамурадович
тарих фанлари доктори, профессор
Қирғизбоев Абдуғаффор Каримжонович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "19" "11" соат 9.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail:qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (131 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail:qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "12" "11" кун тарқатилди.
(2022 йил "12" "11" даги 19 -рақамли реестр баённомаси).


Б.Ж.Эшов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д. профессор


Н.Н.Ражабова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент


Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида жаҳон мамлакатларининг интеграциялашуви ва мафкуравий курашларнинг хилма-хил кўринишда намоён бўлиши тарихий ва миллий характерга эга бўлган тараққиёт моделларини ривожлантира бошлади. Шунинг учун ҳам ер юзида давлатлараро ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, фан ва таълим, маданий ривожланишига қаратилган масалаларини тадқиқот доирасига тортиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро алоқаларни тадқиқ этиш ўз навбатида ўзаро ҳамжиҳатлик, фан ва таълим, маданий алмашинувлар ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Жаҳон миқёсида интеграциялашув жараёнлари кенг тарғиб этилаётган бугунги кунда бу жараёнларнинг ўзаро иқтисодий-маданий манфаатдорликдаги, тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги, ижтимоий-сиёсий барқарорликни шакллантиришдаги улкан аҳамияти туфайли интеграция жараёнларини теран ёритишга қаратилган илмий изланишларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу туфайли ер шарининг турли минтақаларида, жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида интеграция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича тизимли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларда интеграциялашув жараёнларининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий асосларини очиб беришга долзарб илмий муаммо сифатида қаралмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳамжамият субъектлари билан, шу жумладан, дунёнинг етакчи мамлакатлари ва Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ўрнатишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб пухта ўйланган ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Унинг замирида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ва маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассамдир. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, биз ўз зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда¹. Қолаверса, бугунги кунда мустақил Республикамиз дунёнинг кўплаб давлатлари билан ўзаро иқтисодий ҳамда маданий, савдо-сотиқ ва дипломатик, элчилик алоқаларини ўрнатган. Бундай алоқаларда биринчи навбатда ўзимизнинг ён қўшниларимиз бўлмиш Марказий Осиё давлатлари етакчи ўринни эгаллайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 383-384.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида” (1995), “Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” (2012) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда 2017 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-3105-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, шу билан бир қаторда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мувофиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлардаги иштироки масаласи мамлакат тарихини ўрганишдаги янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги илмий-назарий ва методологик муаммолари аввало, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ва Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарларида ва маърузаларида баён этилган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқалари кўплаб ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари ва тадқиқотчиларнинг эътиборида бўлиб келган. Бу борада бир қатор илмий монографиялар, китоблар, рисоалар, мақолалар ва диссертацияларда илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, улардаги кўп томонлама ҳамкорликларга оид маълумотлар тарихшунослигини шартли икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги масалалари ёритилган адабиётлар ташкил этади. Бу борада тарих йўналишида А.Алимов, А.Қосимов, И.Васкин, Р.Фармонов, К.Жўраев, А.Мўминов, Х.Ғуломов, А.Холлиев, Я.Ғаффоров, А.Қирғизбоев, С.Сафоев, Ч.Кўчаров, Э.Нуриддинов, А.Сайдов, Р.Алимов, Қ.Усмонов, М.Лафасов, М.Раҳимов,

О. Абдимўминов, И. Азизов каби тадқиқотчиларнинг ишларини келтириб ўтиш лозим².

Марказий Осиёдаги халқаро муносабатлар муаммоларини белгиловчи асарлар, минтақадаги халқаро муносабатларнинг геосиёсий жиҳатларига таъсир этувчи тадқиқотлар, минтақавий хавфсизлик масалаларига қаратилган ишлар, Марказий Осиёда халқаро алоқаларнинг энергетик ҳажми бўйича нашрлар, айрим минтақадан ташқарида (АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея) ташқи сиёсатининг Марказий Осиё йўналиши хусусиятларини очиб берувчи асарлар тарзида классификацияланган³. Россия, Европа, АҚШ каби давлатларда Марказий Осиёни ўрганувчи турли марказ, институт ва муассасалар бор бўлиб, уларнинг йиллик ҳисоботлари муҳим манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бирор бир хорижий давлатнинг ўзи билан икки томонлама алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигига оид алоҳида изланишлар ҳам бор. Хусусан, улар сирасида Ўзбекистоннинг Буюк Британия, Германия, Япония, Туркия каби давлатлар билан икки томонлама иқтисодий, илмий техник ва маданий алоқалари ўрганилган⁴. Шунинг учун, иккинчи гуруҳни мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва жаҳон давлатлари ўртасида икки ва кўп томонлама иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларга доир яратилган адабиётлар ташкил этади. Хусусан, Н. Зиёмов, С. А. Пўлатова, Л. М. Бабаходжаева, С. Атаджанова, Х. Низомов, Ф. Н. Эрназаров, Ғ. Р. Мирзаев,

²Алимов А. Внешне экономическая деятельности Республики Узбекистана, взгляд в будущее. – Ташкент: Узбекистан, 1992; Касымов А, Васкын И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1994. – С. 112; Фармонов Р., Жўраев К. Халқаро муносабатлар тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2011. – Б. 200; Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент, 2003. – Б. 210; Ғуломов Х, Холлиев А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. – Ташкент, 2002. – С. 118; Ғаффоров Я, Холлиев А. Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти. – Тошкент, 2003. – Б. 156; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 280; Сафоев С. Марказий Осиё геополитикаси. – Тошкент, 2005; Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиё минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 153; Нуриддинов Э.З. Становления нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1998. – №1; Ўзбекистон ва Германия // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1998. – №2; Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпан, 2002. – 216 с; Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира. – М.: Международные отношения, 2004. – С. 351; Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Ташкент: Шарқ, 2005. – Б. 464; Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. – Тошкент: Молия, 2003; Лафасов М. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро алоқалари. – Тошкент, 1995; Рахимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010). Автореф. Дис.д-ра. ист. наук. – Ташкент, 2012. – С. 50; Абдимўминов О.Б. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан муносабатлар тарихи. Тарих фанлар бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. Автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 5; Азизов И.Р. “Ўзбекистон Республикасининг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЙХХТ) билан мамлакатнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасидаги ўзаро муносабатлари (1991-2017)”, Тарих фанлар бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. Автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 41.

³Мещеряков К.Э. Эволюция внешней политики Российской Федерации в Центральной Азии в 1991-2012 гг. Автореф.дисс... докт.ист.наук. – Санкт-Петербург, 2014. – С. 14-15.

⁴Азизов С. Из истории научно-культурных и экономических связей Узбекистана с Японией (конец 1920-х и начало 1990-х гг), Автореф.дисс... канд.ист.наук. – Ташкент, 1994. – С. 24; Холлиев А. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США. Автореф. дисс... канд.ист.наук. – Ташкент, 1998. – С. 30; Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Автореф. дисс ... докт.ист.наук. – Ташкент, 2000. – С. 57.

Р.Фармонов, К.Жўраев, М.Раҳимов, Ш.Раҳматуллаев, А.Турсунов каби тадқиқотчиларнинг ишлари бу борада эътиборга лойиқ⁵.

Учинчи гуруҳ хорижлик муаллифларнинг асарларидан иборат. Улар орасида С.Жуков, О.Резникова, Л.Виноградова, В.Колесников, З.Бжезинский, Г.Глизона, А.Борн, Х.Пеймани, Р.Аллисон, Л.Йонсон, Ф.Старр, М.Олкот, М.Лаурел⁶ каби олимларнинг ишлари муаммони ўрганишда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ва регионал ташкилотлар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан минтақада барқарорликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш масалаларида олиб бораётган ўзаро ҳамкорликни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЕХХТ, МДҲ ва ШҲТ доирасидаги фаолиятининг хусусиятларини очиб бериш;

Ўзбекистоннинг АҚШ, Россия Федерацияси, Франция ва Германия давлатлари билан ўзаро муносабатлари тарихий тажрибасини қиёсий таҳлил этиш;

⁵Зиёмов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991-2001 г.г.) Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 2002. – С. 28; Пўлатова С.А. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари ва уларнинг Республика барқарорлигини мустахкамлашдаги аҳамияти (Хорижий шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалари мисолида). Тарих фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 149; Бобоҳўжаева Л.М. Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан (период независимости). Автореф. дис. д-ра.ист.наук. – Ташкент, 2011. – С. 48; Атаджанова С. Научно-техническое и культурное сотрудничество Республики Узбекистан с Казахстаном и Кыргызстаном (1991-2001). Дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 2009. – С. 24; Низомов Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқалар (1991-2007 йиллар). Тарих фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 2010; Эрназаров Ф.Н. Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари (1945-1991-ий). Тарих фанл. докт (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2018; Мирзаев Ғ.Р. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Тарих фанл. фалс. доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2018; Фармонов Р., Жўраев К., Раҳимов М., Мўминова Ф., Турсунова Р. и др «История международных отношений Республики Узбекистан»: коллективная монография. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 99; М.Раҳимов, Ш. Раҳматуллаев, Р.Турсунова, Р.Назаров «Очерки новейшей истории Узбекистана». – Ташкент: «Адабиёт учкунлари», 2016. – С. 332-333; Турсунов А.А. Марказий Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикасининг маданий алоқалари тарихи (1991-2019 йиллар). Тарих фанл. фалс. доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2021. – Б. 22-35.

⁶ Жуков С., Резникова О. Центральная Азия в мировой политике и экономике//США:ЭПИ, 1994. – №12. – С. 65; Жуков С. Казахстан, Киргизстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира// Мировая экономика и международные отношения. – 1997. – №3. – С. 22; Виноградова Л. Экономическая интеграция в СНГ и опыт третьего мира// Мировая экономика и международные отношения. – 1995. – №9. – С. 34; Колесников В. Узбекская модель развития// Эксперт Евразии. – М., 2001; Brzezinski Z. The Grand Chessboard. American Primacy and its Geostrategic Imperatives. – New York, 1997. – P. 240; Gleason G. The Central Asian States: Discovering Independence. Westview series on post – Soviet Republics. – Boulder: Westview press, 1997. – P. 200; Born Annetty. Uzbekistan: politics and foreign policy. Royal Institute of International Affairs. – London, 1998. – P. 58; Peimani H. Regional Security and the Future of Central Asia: The Competition of Iran, Turkey and Russia. – Praeger, Westport, Connecticut, 1998. – P. 58; Allison R., Jonson L. (eds.). “Central Asian security: internal and external dynamics” Central Asia security: the new international context. Royal Institute of International affairs. – London: UK, 2001; Starr F. The United States, Afghanistan and Central Asia // Nordic News letter of Asian Studies. – 2002. – №3. – P. 9-11; Olcott M.B. Central Asian second chance. – USA: The Brookings Institutions Press, 2005. – P. 156; Laruelle Marline. Russia’s Central Asia Policy and the Role of Russian Nationalism. Central Asia-Caucasus Institute. John Hopkins University- SAIS, Washington DC 2008. – P. 81.

Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Туркия давлатлари билан ҳамкорлик масалаларини яхлит ҳолда очиб бериш;

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашдаги ва Марказий Осиёни интеграциялаштириш сиёсатини ўрганиш;

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан икки томонлама алоқалари ва ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатларини тарихан таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув жараёнини самарали ташкил этиш ва мамлакатда инсонпарварлик ғояларининг шаклланиши, халқаро майдонда мамлакат ташқи сиёсати тинчлик тамойилларига асосланганлиги масаласи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви, Осиё ва Европанинг етакчи давлатлари ўртасидаги интеграциянинг янги босқичлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро интеграцион сиёсат, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги ташаббуслари ва унинг натижалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда холислик, тарихий-хронологик таҳлил, тизимлилик тамойили асосида иш кўрилиб, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХХТ, МДҲ ва ШҲТ билан ҳамкорлик доирасидаги фаолиятларининг камбағалликни қисқартириш, анъана ва одатларни сақлаб қолиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби ижтимоий-иқтисодий, ҳукуматлараро комиссиялар, сиёсий маслаҳатлашувлар, парламентлараро ҳамкорлик комиссияси каби сиёсий, кино, театр, мусиқа, рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик каби маданий хусусиятлари, табиатни муҳофаза қилиш, экологик мониторинг тизимлари, экологик вазият оғир бўлган ҳудудларда махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва тажриба-конструкторлик ишларига кўпроқ қаратилганлиги асосланган;

Ўзбекистоннинг АҚШ, РФ, Германия, Франция давлатлари билан инвестицион, экспорт ва илғор технологиялар соҳаларидаги, кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш, автомобиль, қурилиш материаллари, фармацевтика, электротехника саноатидаги ҳамкорликлари, Хитой, Жанубий Корея ва Япония давлатлари билан иқтисодий, фан ва маданият соҳаларидаги жадал иқтисодий ҳамкорликлари иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тарихий-маданий, тарихий-этнологик тажриба, билим, ёзув ва анъаналарни тўлиқ сақлаб қолишга қаратилганлиги далилланган;

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича саъйи-ҳаракатлари ва Марказий

Осиёни интеграциялаштириш сиёсати минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилаётганлиги асосланган;

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги олий даражадаги мулоқот ва икки томонлама ҳамкорлик механизмлари ҳамда ташаббуслари натижасида савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг қамровли тарзда ривожланиб бораётганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотда баён этилган фикр-мулоҳазалар, назарий хулосалар ва амалий таклифлар жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини аниқлаш, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётда тутган мавқеини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Жаҳондаги мамлакатлар билан интеграциялашувга йўл очган ташқи сиёсат тамойилларининг ҳаётийлигини очиб беришга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда кўриб чиқилган ҳар бир масала ёзма манбалар билан таққосланган ҳолда изоҳланиб, бу мавзуда ёритилган манбалардаги фикр ва мулоҳазалар жалб қилингани, тарих фанида тан олинган усуллар ва назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, тарихий ва хужжатли илмий адабиётлардан фойдаланилгани, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанлари ҳамда магистратура босқичи “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги бўйича “Ўзбекистон тарихи” фанидан ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарих фанининг, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи соҳаларидаги фанлараро янги ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, ўша давр тарихига оид назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга имкон беришда кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1991-2021 йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХХТ, МДҲ ва ШХТ билан ҳамкорлик доирасидаги фаолиятларининг камбағалликни қисқартириш, анъана ва одатларни сақлаб қолиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби ижтимоий-иқтисодий, ҳукуматлараро комиссиялар, сиёсий маслаҳатлашувлар, парламентлараро ҳамкорлик комиссияси каби сиёсий, кино, театр, мусиқа, рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик каби маданий хусусиятлари, табиатни муҳофаза қилиш, экологик мониторинг тизимлари, экологик вазият оғир бўлган ҳудудларда махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳа-қидирув ва тажриба-конструкторлик ишларига кўпроқ қаратилганлиги ҳамда Ўзбекистоннинг АҚШ, РФ, Германия, Франция давлатлари билан

инвестицион, экспорт ва илғор технологиялар соҳаларидаги, кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш, автомобиль, қурилиш материаллари, фармацевтика, электротехника саноатидаги ҳамкорликлари, Хитой, Жанубий Корея ва Япония давлатлари билан иқтисодий, фан ва маданият соҳаларидаги жадал иқтисодий ҳамкорликлари иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тарихий-маданий, тарихий-этнологик тажриба, билим, ёзув ва анъаналарни тўлиқ сақлаб қолишга қаратилганлиги ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2021 йил 20 октябрда эфирга узатилган “Тақдимот” ва “Мавзу” дастурларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 28 октябрдаги 01-40-1689-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар телетомошабинларга Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўли хусусиятлари, халқаро муносабатларнинг шаклланишини тадбиқ этиш бўйича муҳим материал сифатида илмий асосда ўрганишга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича саъйи-ҳаракатлари ва Марказий Осиёни интеграциялаштириш сиёсати минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилаётганлиги ҳамда Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги олий даражадаги мулоқот ва икки томонлама ҳамкорлик механизмлари ҳамда ташаббуслари натижасида савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг қамровли тарзда ривожланиб бораётганлиги далилланганлиги ҳақидаги маълумотлардан Халқаро Амир Темур жамоат фонди Қашқадарё вилоят муассасасида бажарилган И-56-10/37-рақамли “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” шиори остида “Ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидоийлик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш” мавзусидаги инновацион лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Халқаро Амир Темур жамоат фондининг 2022 йил 2 февралдаги 04-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёшларга Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тўлақонли аъзо сифатида кирганлиги, унинг халқаро майдонда юксак обрў-эътибори борлигини асослаб бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 136 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилингани, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг бирини боби **“Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг назарий-концептуал асослари”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфида глобаллашувнинг яхлит жаҳон ҳўжалигининг шаклланиши, халқаро меҳнат тақсимоли ва кооперациялашувининг жадаллашиши натижасида миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига чуқур боғлиқлиги, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, унинг кенг трансмиллийлашиши жараёнини англатганлиги баён этилади.

Интеграция⁷ жараёнлари замонавий жаҳон тизимининг ажралмас қисми ҳамда глобализациянинг энг муҳим натижаларидан биридир. Интеграция минтақадаги барқарор таракқиётнинг қудратли омили бўлиб, интеграциянинг бош ғояси ҳам глобализация жараёнлари кучайиб бораётган бир шароитда давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш ҳисобланади⁸.

Жаҳонда амал қилаётган интеграцион марказлардан бири Шимолий Америка ҳудуди ҳисобланади. 1992 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги Шимолий Америка Эркин савдо ассоциациясини (North American Free Trade Area- НАФТА) ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.

Мазкур интеграцион блок ҳудудида 470,0 млн киши истиқомат қилади ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. НАФТАга аъзо мамлакатлар томонидан йиллик товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 1992 йилда 6,7 трлн долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 19,4 трлн долларга тенг бўлди⁹.

2017 йил январда АҚШ президенти Доналд Трамп НАФТА ни Канада ва Мексика билан музокаралар бошлаган ҳолда янги келишув билан алмаштиришга ҳаракат қилди. 2018 йил сентябр ойида АҚШ, Мексика ва Канада НАФТА ни Америка Қўшма Штатлари – Мексика – Канада битими (УСМСА) билан алмаштириш тўғрисида келишувга эришдилар ва учала мамлакат ҳам уни 2020 йил мартгача ратификация қилди.

⁷Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиё минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Сиёс. фан. док. ... диссертация. – Тошкент, 2008. – Б. 14-15.

⁸Комилова Х.Г. Роль и место интеграционных структур в системе международных отношений в Центральной Азии// Вестник Томского государственного университета. История. – 2015. – № 4 (36). – С. 73.

⁹Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. ва б. “Жаҳон иқтисодиёти ва Халқаро иқтисодий муносабатлар”. – Тошкент: “Ворис-Нашиёт”, 2014. – Б. 280.

Осиё-Тинч океани (АТР) минтақасида интеграция жараёнларининг ўзига хос хусусияти интеграциялашув даражаси жуда фарқ қиладиган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган субрегионал интеграция ўчоқларининг шаклланишида кузатилади. Осиё-Тинч океани минтақаси жаҳон хўжалигидаги интеграцион жараёнларнинг учинчи йирик маркази ҳисобланади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (Association of South East Asian Nations – АСЕАН) 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мянма, Сингапур, Таиланд ва Филиппин киради. Жануби-Шарқий Осиёда эса анча ривожланган тузилма – Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Бруней, Вьетнам, Мянма ва Лаосни ўз ичига олган Жануби-Шарқий Осиё халқлари уюшмаси (АСЕАН) ривожланди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва ташқи сиёсий фаолият концепцияси”** деб номланган иккинчи параграфиди Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган илк даврдан эътиборан асосий эътиборни мамлакат ички сиёсатида осойишталик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш билан бирга дунё давлатлари билан ўзаро тенгликка асосланган фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратганлиги, унинг асоси сифатида мустақиллик йилларда қабул қилинган қонунларда мустақамланганлиги кўрсатиб берилди. Жумладан, 1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашининг VI сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида” конституциявий қонун қабул қилинди. Унда “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тўлиқлигига эга, ўз миллий ва давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув тизимини мустақил белгилайди” – деб таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулки эканлиги, ер, ер ости бойликлари ва бошқа табиий бойликлар, иқтисодий, илмий-техник ва интеллектуал қадриятлар ҳам миллий бойлик эканлиги қайд этилди¹⁰.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳозирги замон талаблари даражасида камол топа боришида 1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни (2000 йил 26 майда 31-моддадан иборат ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди), 1991 йил 14 июнда Республиканинг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни (1998 йил 25 декабрда ушбу қонун ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди), 1991 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкини ташкил этиш тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йили 25 май куни “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” қарори, 1994 йил 5 майда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонун (1998 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди), 1996 йил 29 августда Ўзбекистон

¹⁰Рахимов М., Рахматуллаев Ш., Гурсунова Р., Назаров Р. «Очерки новейшей истории Узбекистана». – Ташкент: “Адабиёт учқунлари”, 2016. – С. 23.

Республикасининг “Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги (1998 йил декабрда кўшимча ва ўзгартиришлар билан янги таҳрирда қабул қилинди) қонун, 2018 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари” тўғрисидаги қонуни ва қарорлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқотнинг **“Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги”** деб номланган учинчи параграфида Ўзбекистон жаҳоннинг қатор мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, кўплаб йирик ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги, айниқса, халқаро ташкилотлар – ЕХХТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасидаги алоқалари таҳлил этилган.

Ўзбекистоннинг БМТ билан кўп томонлама муносабатлари мустақиллик йилларида халқаро аҳамиятга эга бўлди. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида БМТ га қабул қилинди¹¹. 1993 йилнинг 24 октябрида Тошкентда Холид Малик раҳбарлигида БМТ ваколатхонаси ўз иш фаолиятини бошлади¹².

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Ўзбекистон халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда фаол иштирок этади, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов БМТ нинг 48-чи (1993 йил сентябрь), 50-чи (1995 йил октябрь) чиқишларида, 55-сессия (2000 йил сентябрь) ва БМТ Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”(2010) саммитида Марказий Осиёнинг долзарб муаммоларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹³ги Фармони асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бу борада муҳим асос бўлди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир¹⁴.

2017 йилнинг 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2020 йилнинг 23 сентябрида 75-сессиясида қатнашди¹⁵.

¹¹ Абдимўминов О. “Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар ташкилоти билан муносабатлар тарихи” тарих фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 16.

¹² Ўз МА Ф-М-37, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, – Б. 17-18.

¹³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.. – №6. 70-модда. – Тошкент, 2017. – Б. 25-150.

¹⁴ Абдимўминов О. “Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар ташкилоти билан муносабатлар тарихи” тарих фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 17.

¹⁵ Мирзиёев Ш.М. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 246-249.

Мустақиллик давридаги ташқи сиёсатимизда ЕХХТ нинг бой тажрибаси, имкониятларидан фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Халқаро ташкилотлар орасида биринчилардан бўлиб ЕХХТ хавфсизлик учун ҳамкорлик концепциясини ҳам стратегик сиёсат даражасига кўтарди.

Ўзбекистон ЕХХТ нинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватламоқда. ЕХХТнинг Хельсинки (1992 йил), Будапешт (1994 йил), Лиссабон (1996 йил), Истанбул (1999 йил) саммитларида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, можароларни бартараф этиш, наркотрафик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда ЕХХТ нинг иштирокини кенгайтириш, халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масалаларига доир келишувлар амалга оширилди¹⁶.

1995 йил октябрда Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалари бўйича бюроси очилганлиги ўзаро ҳамкорликдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб, бу ЕХХТ ва ушбу минтақа республикалари ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди¹⁷. Бюро 1995-1999 йилларда Тошкентда фаолият кўрсатди¹⁸.

ЕХХТ нинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори Халқаро сайлов тизимлари фонди (ИФЕС) билан биргаликда 2021 йил 9 ва 10 июнь кунлари ногиронлиги бўлган шахслар учун сайловларни кузатиш бўйича ўқув курси ташкил этди¹⁹.

1991 йил 21 декабрда Россия, Украина, Белорус, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб ўтди ва 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, “Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар” мақомида МДХ муассиси бўлдилар. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди.

1993 йил январда Минскда МДХ Давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши бўлди ва унда МДХнинг Низоми имзоланди ва МДХнинг ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни яқунланди²⁰.

2014 йил 9-10 октябрь кунлари Белорусия пойтахтида МДХ га аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш бўйича ҳамкорлик, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши кураш ҳужжатлари лойиҳалари муҳокама қилинди. 2016 йилни МДХ да Таълим йили деб эълон қилишга қарор қилинди²¹.

¹⁶ Абдуллаев О. Ўзбекистон – Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти. // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2004. – №1. – Б. 36.

¹⁷ ЕХХТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. – 1995.

¹⁸ Азизов И.Р. “Ўзбекистон Республикасининг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) билан мамлакатнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасидаги ўзаро муносабатлари (1991-2017)”, тарих фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 39.

¹⁹ <http://www.osce.org>press-releases>

²⁰ Усмонов Қ., Содиков М., Бурхонова С. “Ўзбекистон тарихи”. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2006. – Б. 464-465.

²¹ [http://mfa.uz/ru/press/news/2014/10/2587/\(15.10.2014\)](http://mfa.uz/ru/press/news/2014/10/2587/(15.10.2014)).

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилнинг 11 октябрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди²².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди²³.

2001 йил 15 июн куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) билан ҳам кенг қамровли интеграцион алоқалар амалга ошириб келинмоқда.

2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Хуллас, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг БМТ, ШХТ, ЕХХТ, МДҲ ва кўплаб халқаро ташкилотларнинг аъзосига айланди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналган бозори иқтисодиётини қарор топтириш учун халқаро шароитларни яратиб бериш, тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон Республикасини жаҳоннинг етакчи давлатлар билан ҳамкорлиги”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфида Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси ва АҚШ билан муносабатлари масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси томонидан 1992 йилнинг 20 мартида тан олинган ва ўша кундан эътиборан икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 30 майдаги Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартномага амал қилган ҳолда, икки мамлакат ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1993 йил 19 мартдаги битим, шунингдек бошқа халқаро шартномалар имзоланган²⁴.

1998 йил 11-12 октябрда Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельцин Ўзбекистонга давлат ташрифи билан бўлди. Давлат раҳбарлари 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар, Дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома ва 1994 йил 2 мартдаги ҳар томонлама ҳамкорликни

²²Мирзиёев Ш.М. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”, 2-том. – Тошкент: “Ўзбекистон” 2018. – Б. 326.

²³Халқ сўзи газетаси. “Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида МДҲ саммити бўлиб ўтди”, 2020 йил 19 декабрь.

²⁴ЎзМА, Ф-М 37, 1-рўйхат, 6629-йиғма жилд. – Б. 22.

чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланиб, ушбу тарихий аҳамиятга эга хужжат Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, тенглик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни хурмат қилиш тамойилларига асосланади²⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди.

Учрашувда Президент Ш.Мирзиёев: “Россия биз учун ҳаёт синовларидан ўтган ишончли стратегик шерик ва иттифоқчи бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Биз тарихимиз муштарақлигини, манфаатларимиз, маънавий ва маърифий илдизларимиз бирлигини ҳеч қачон унутмаймиз”²⁶ деб фикр билдириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йилнинг 23 июнь куни амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди. Владимир Путин мамлакатимиз Қуролли Кучлари вакилларининг мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор 24 июнь куни Қизил майдонда бўлиб ўтадиган парадда иштирок этиши ҳақида сўз юритар экан, “бу ўзига хос иттифоқчилик муносабатларимизнинг яққол намоёниши” эканини тасдиқлади. Давлатимиз раҳбари томонидан, ўз навбатида, Владимир Путин ва бутун Россия халқини улуғ айём билан табриқлади. “Бу – бизнинг умумий тарихимиз, умумий ғалабамиз”²⁷ эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июнида АҚШга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашган муҳим воқеа бўлди.

2018 йилнинг 15-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Доналд Трампнинг таклифига биноан расмий ташриф билан АҚШда бўлди²⁸.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва улар ҳаётга тўлақонли тадбиқ қилинган тақдирда, 4,8 миллиард доллар миқдорида баҳоланиши ва АҚШда 10 минг иш ўрнини сақлаб қолиши ҳамда келгусида бир неча миллиард доллар миқдоридаги шартномалар учун имкониятлар яратиши мумкинлиги эътироф этилди²⁹.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди. Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Жеймс Меттис билан музокара олиб борди. АҚШ мудофаа вазири Ўзбекистон минтақада муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат эканини таъкидлади.

²⁵ЎзМА, Ф-М 37, 1-рўйхат, 3868-йиғма жилд. – Б. 78.

²⁶Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б. 381.

²⁷“Халқ сўзи” газетаси. “Стратегик шерикликни мустаҳкамлаш йўлида”, 2020 йил 24 июнь.

²⁸“Халқ сўзи” газетаси. “Ўзбекистон-АҚШ: Янги уфқ ва марралар сари дадил қадамлар”, 2018 йил 17 май.

²⁹“Халқ сўзи” газетаси. “Ўзбекистон-АҚШ: Янги уфқ ва марралар сари дадил қадамлар”, 2018 йил 17 май.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ўз ривожланишининг янги босқичини бошлади. Икки давлатлар ўртасида иқтисодий, таълим, фан ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Стратегик шериклик муносабатлари янада ривожланди.

Диссертациянинг иккинчи боби иккинчи параграфи **“Ўзбекистоннинг Франция, Германия ва Буюк Британия давлатлари билан халқаро алоқалари”** деб номланиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа давлатлари билан интеграцион алоқалари ёритиб берилди. 1993 йил 28-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг Францияга қилган ташрифи давомида Париж Хартиясини имзолаши икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга асос солган эди. “Элфакитен” нефть-кимё концерни, “Технип” фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига келишилиб, ушбу завод 1997 йил 22 августда ишга тушди. Корхона бензин, керосин, суюлтирилган газ, дизель ёқилғиси каби маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Завод қурилиши жараёнида 262 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди³⁰.

“Франция ва Марказий Осиё”, “Франция-Ўзбекистон” парламентлараро алоқалар ишчи гуруҳлари Франция Миллий Ассамблеяси ва Франция Сенати негизида тузилди. 2008-йил 26-мартда Ўзбекистон Сенати негизида Франция Сенати билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ тузилди. 2010 йил июнь ойида худди шу гуруҳ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида тузилди³¹.

Францияда “Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш” ҳамда “Авиценна-Франция” ассоциациялари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Самарқанд ва Лион, Хива ва Версал, Бухоро ва Рюэй-Малмезон шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президенти 2018 йилнинг 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан Франция Республикасида бўлди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди³².

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган. Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида конвенция ва бошқа ҳужжатлар имзоланган³³.

³⁰Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 252.

³¹Фармонов Р., Жўраев К., Рахимов М., Мўминова Ф., Турсунова Р. и др «История международных отношений Республики Узбекистан»: коллективная монография. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 99.

³²Халқ сўзи газетаси. “Ўзбекистон-Франция: Узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида”, 2018 йил 10 октябрь.

³³Ўша жойда.

Германия ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида расмий муносабатлар 1992 йилдан бошланди. Мамлакатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотлар энг юқори даражада сақланиб қолмоқда. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён 5 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Германия ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида молиявий, сайёҳлик, илмий-техникавий соҳаларда, шунингдек, наркотик контрабандасига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутувчи 14 та хужжат имзоланди³⁴.

2019 йил 20-22 январь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташриф давомида Германия ташаббуси билан ишлаб чиқиладиган, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустақамлаш муҳимлигини қайд этилди³⁵.

Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўтган йилларда товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошди³⁶.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Камилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг 2013 йил ноябрь ва 2019 йил июль ойларида Буюк Британияга ташрифи икки давлат ўртасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2020 йилнинг феврида Буюк Британия парламентида Консервативлар партияси депутати Э.Бриджен раҳбарлигида Ўзбекистон бўйича янги Умумпартия парламент гуруҳи ташкил этилди.

2016 йилнинг октябрида, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев Лондон шахрига ташриф буюрди. Ташрифлар давомида замонавий ривожланишга ва республиканинг устувор йўналишларига бағишланган брифинглар, ТИВ, Буюк Британия Парламенти ва Британиянинг бир қатор йирик компаниялари ҳамда илмий доиралари билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгаши савдо-иқтисодий муносабатларнинг самарали механизми бўлиб, унинг 23-мажлиси Тошкентда 2016 йил 16-18 ноябрь кунлари бўлиб ўтди.

2019 йилда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги савдо айланмаси 208,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан экспорт 105,7 миллион АҚШ доллари, импорт 102,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлди³⁷.

“Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Туркия давлатлари билан ҳамкорлиги” деб номланган иккинчи бобнинг учинчи параграфида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Осиё давлатлари билан интеграция алоқалари таҳлил этилади.

³⁴Фармонов Р., Жўраев К., Рахимов М., Мўминова Ф., Турсунова Р. и др «История международных отношений Республики Узбекистан»: коллективная монография. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 109.

³⁵ “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 23 январь.

³⁶<https://www.gazeta.uz>bitimlar>.

³⁷<http://mfa.uz.uz/ru>.

1992 йил 12-14 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ХХР га давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди.

1999 йил 8 ноябрда имзоланган шартномага мувофиқ Хитой томони Ўзбекистонлик ёшлари учун ҳар йили ўзининг етакчи университетларида ўқишлари ва малака оширишлари мақсадида 20 та ўрин ажратиб келмоқда³⁸.

2017 йил 11-15 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давомида соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди³⁹.

Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида дипломатия муносабатлар ўрнатилгач, 1992 йил апрелда Туркиянинг Тошкентдаги элчихонаси, 1993 йил январда эса Ўзбекистон Республикасининг Анкарадаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2000 йил сентябрда Туркия Президенти Аҳмет Сезер билан БМТнинг “Минг йиллик” саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб этди. 2016 йил 17 ноябрь куни Туркия Республикаси Президенти Р.Т. Эрдоған Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти доирасида Самарқандда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар марказини таъсис этиш таклифини илгари сурилди⁴⁰.

